

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2020 йил “26” декабрдаги  
28/24 - сонли қарорига  
1 - илова

## **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш**

### **С И Ё С А Т И**

#### **I. Умумий қоидалар**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати (бундан буён матнда – Сиёсат деб юритилади) ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар (бундан буён матнда – Марказий банк тизими) ходимларнинг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, ходимлар фаолиятида ҳалоллик, коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

Мазкур Сиёсат коррупцияга қарши курашиш бўйича етакчи халқаро амалиёт ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашишнинг мақсади ходимларнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда коррупцияга йўл қўймасликни таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу Сиёсат Марказий банк билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга, шу жумладан Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар ходимларига (кейинги ўринларда – ходимлар деб юритилади) уларнинг эгаллаб турган лавозими, бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар тегишли бўлиб, барча ходимлар мазкур Сиёсат талабларига риоя этишлари шарт ҳисобланади.

#### **II. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари**

Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

**қонунийлик тамойили** - Марказий банкнинг коррупцияга қарши чора-тадбирларини умум қабул қилинган халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

**очиқлик ва шаффофлик тамойили** - Марказий банк коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ўзининг интернетдаги расмий веб-сайтида очиқ жойлаштириш ва бу соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларини ходимлари, ҳамкорлари ва бошқа кенг жамоатчиликка маълум қилиш;

**фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги тамойили** - коррупцияга қарши курашишда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигини таъминлаш;

**тизимлилик тамойили** - Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирларни ўзаро мувофиқлаштирган ва тизимли амалга ошириш;

**давлат органлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик тамойили** - коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик ва идоралар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорлик қилиш;

**коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги тамойили** – чора-тадбирларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашга, уларни олдини олишга йўналтириш;

**раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси тамойили** - Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар раҳбар ходимларининг коррупцион хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш позициясини намоён этиши;

**хабардорлик тамойили** – ходимларни коррупцияга қарши курашишга оид амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

**мутаносиблик тамойили** - коррупцияга қарши курашиш чораларини амалга ошириш доирасида мавжуд коррупцион хавф-хатарларни бошқариш учун етарли бўлган меҳнат ва молиявий ресурсларни йўналтириш;

**коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойили** – коррупцион ҳолатлар тўғрисидаги ҳар қандай ишончли хабарни текширувдан ўтказиш ҳамда содир этилган коррупцион ҳаракат учун жавобгарлик ва жазо муқаррарлигини таъминлаш.

### **III. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий вазифалари**

Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш қўйидаги асосий вазифаларни бажариш орқали амалга оширади:

-коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлар ва чоратадбирларни ишлаб чиқиб жорий этиш ва уларни такомиллаштириб бориш;

-ходимларнинг касбий фаолиятида одоб-ахлоқнинг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш ҳамда жорий этиш;

-коррупцияга имкон берувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда аниқланган коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ва уларни камайтириш чораларини кўриш;

-манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва бошқариш;

-харидларни амалга оширишда молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, асосланганлиги, самарадорлиги, тежамкорлигини таъминлаган ҳолда очиклик, шаффофлик, тортишув ва холислик, мутаносиблик принципларига асосланиш;

-ходимларни ишга қабул қилишда ёки лавозимга тайинлашда уларнинг билим, кўникмалари, шахсий ва касбий сифатларини очиклик, бегаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш тизимини жорий этиш;

-коррупцияга қарши курашиш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан ходимларга тушунтиришлар бериш шу жумладан, ўқув машғулотлари, семинарлар ва давра суҳбатларини ўтказиш, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш;

-коррупцион ҳуқуқбузарликлар юзасидан шубҳали ёки аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабар берган ходимлар шахсини ошкор қилинмаслигини таъминлаш;

-коррупцион ҳуқуқбузарликлар белгилари мавжуд бўлган ҳодисалар тўғрисида маълумот олиш (бериш) учун турли алоқа каналларидан фойдаланиш;

-қонун ҳужжатлари ва Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган талабларга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйган ходимга нисбатан жавобгарлик ва жазо муқаррарлигини таъминлаш.